

# Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ŌZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

*1999 йил*

**ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА**

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

● 3 сентябр, №36 (3523) ●


***Бугун биз эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшаётган, ўз қадр-қимматини, инсоний шаънини, не-не улуғ зотларнинг ворислари эканини, ўзлигини англаган, миллий ғурур ва ифтихорини тиклаган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаб, XXI асрга дадил қадам қўяётган буюк халқмиз.***

**Президент Ислом КАРИМОВнинг мустақилликнинг саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқидан**

# ИФТИХОР БАЙРАМИ

Инсон фарзанди учун Ватан озодлигидан ҳам улуғ бахт йўқ. Юртдошларимиз бундай бахтга муяссар бўлганлари тарихнинг буюк бир туҳфасидир. Бошимиз узра нур сочиб турган бобо қуёш гувоҳки, бу кунларни не-не Ватнадошларимиз соғиниб яшадилар, жонларини фидо этиб истиқлолга интилдилар. Ватан осмони беғубор бўлишини кутган ва мустабид тузум даврида миллионлаб қалбларда озодлик чироғини ёқиб кетган миллий қатағон қурбонларининг ҳам бугун руҳлари шоддир. Ахир она Ўзбекистон ўз эркини қўлга киритганининг, ўз Ҳуррриятига эришганининг, ўз юртига ўзи эгалик қила бошлаганининг саккиз йиллигини тантана қилмоқда.

Ўттиз биринчи август оқшоми Мустақиллик майдонига Ўзбекистон пойтахтининг турли томонларидан виқор-ла кириб келаётган ҳар бир ўзбекнинг юзу кўзида, қалбида ана шу муборак туйғу мужассам эди. Майдон узра қадам ташлаётган, озодлик нашидасидан масрур юртдошларимиз орасида элимизнинг турли вилоятлари, шаҳару қишлоқларидан улуғ байрамимизга ташриф буюрган юрт оқсоқоллари, меҳнат пешқадамлари, уста ғаллакорлар, Олий Мажлис депутатлари, чўлқуварлар, боғбонлар, despite кончилар, муаллимлар, ёш фермерлар, қўйингки, Мустақиллик ишига фидойи меҳнати билан баракали ҳиссасини қўшаётган қанчадан-қанча мард инсонларни кўриш мумкин эди. Куни кеча Мустақиллик байрамининг саккиз йиллиги муносабати билан Президент Фармонига кўра истиқлол манфаатларини мустаҳкамлаш ишига қўшаётган беқиёс ҳиссалари учун мукофоту юксак унвонлар билан тақдирланган эл-юртнинг ҳурматли кишилари ҳам кўп эди улар орасида. Ҳамманинг кўзида ўт чақнар, озодлик руҳи юз-кўзларда, нигоҳларда барқ уриб турарди. Гўзал қиз-жувонларнинг, нуроний онахонларнинг чеҳралари гулгун очилган, кўзларда табассум. Бахт, чинакам бахтиёрлик тимсоли эди бу кўзлар.

Байрам томошагоҳига кўтарилаётиб, дастлаб қашқадарёлик меҳмонлар даврасида вилоят фахрийлари раиси Соиб ота Усмоновни учратдик. Оқсоқолнинг юз-кўзларидан табассум аримасди. Самимий кутловлардан сўнг оқсоқол ҳаяжон ичра шундай дедилар: «Болаларим, биз кекса авлод шу кунларни кўриб турганимиздан бошимиз осмонда. Ахир не-не оталарингиз бу кунларга тирик етиб келолмадилар. Энди Сизлар бу бахтнинг қадрига етинглар! Ёшларимиз онгига озодликнинг моҳиятини ниҳоятда чуқур қилиб сингдирингизлар!» Яна қанчадан-қанча одамларнинг юз-кўзларидан ҳам Соиб отанинг ана шундай самимий сўзлари, қалб иқрорлари, даъватларини уқиш мумкин эди.



Яна бир даврада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, ёзувчи Йўлдош Сулаймон бир гуруҳ фарғоналик юртдошларини байрам билан қутлаётганининг устидан чиқдик. Йўлдош ака бизга фахр-ифтихор ила таништирган меҳмонлардан бири — Олий Мажлис депутати, «Қувамебел» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Мусажон Исмоилов экан. Мусажон ака билан байрам тантанасида танишиб турган бўлсакда, у киши раҳбарлик қилаётган корхона ишлаб чиқараётган бежирим мебелларнинг бутун юртимизда машҳурлигини жуда яхши биламиз. Озодлигини қўлга киритган халқ нималарга қодирлигини жаҳонга машҳур бўлиб бораётган ўзбекнинг ўз самолётлари, ўзбекнинг ўз автомобиллари, ўз донидоғалласи, ўз олтини, ўз нефти мисолидагина эмас, кувалик мебелсозлар ишлаб чиқараётган юксак сифатли, ноёб жиҳозлар мисолида ҳам кўриш мумкин. «Озодликнинг моҳиятини етарли англаб етган ҳар бир ўзбек ўз иш жойида Ватан шуҳратига арзирли иш қилиши керак, — дейди Мусажон ака. — Истиқлол хизматига камарбаста бўлишнинг ўзи катта бахт».

Соат ўн тўққиз яримда майдон узра порлаётган маржон-маржон чироқлар шодаси янада порлаб кетди. Байрам иштирокчилари Ўзбекистон истиқлолининг бош яловбардори, озод Ўзбекистон йўлбошчиси, Президент Ислом Каримовни катта олқишлар билан кутиб оладилар. Майдон узра чорлов мусиқаси янграйди. Президент Ислом Каримов Мустақилликнинг

**Давоми 2-бетда**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

1 сентябр — Мустақилликнинг саккиз йиллик байрами муносабати билан Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини Америка халқи номидан муборакбод этаман.

Америка Қўшма Штатлари тинчлик ва барқарорликни олға силжитиш, Ўзбекистонда очиқ, жўшқин ва бозорга йўналтирилган иқтисодиётни ўстириш ҳамда эркин, адолатли ва демократик жамиятни барпо этишга кўмаклашиш йўлидаги ҳаракатда Сиз билан ишлаш ғоясига содиқ бўлиб қолмоқда. 1999 йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистон — АҚШ» қўшма комиссиясининг мажлиси ана шу мақсадларга эришиш йўлида мамлакатларимиз биргаликда ишлаётганлигининг яна бир намунаси бўлди. Шундай ҳамкорлик воситасида Ўзбекистон халқи порлоқ ва янада гуллаб — яшнайдиган истиқболга эришади, деб умид қиламиз.

Янги асрда икки томонлама жуда яхши муносабатларимиз давом эттирилиши ва мустаҳкамланишига ишонаман.

Самимий эҳтиром билан,

**Уилям Жефферсон КЛИНТОН,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**

* * *

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноб Президент,

Ўзбекистоннинг Миллий байрами муносабати билан Сиз ва бутун ўзбек халқига бахт-саодат, равнақ ва муваффақият истаги билдирилган жўшқин тилакларимни катта мамнуният билан йўлламоқдаман.

Франция билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ижобий тарзда ривожланиб бораётгани, шунингдек, иқтисодий ва маданий алоқаларимиз сезиларли даражада юксалаётганидан беҳад мамнунман.

Мамлакатларимизни боғлаб турган дўстона ва ўзаро ишончли муносабатлар келажакда янада мустаҳкамланишига тилакдошман. Франция Марказий Осиёда юз бераётган ўзгаришларга катта эътибор қаратмоқда ва Ўзбекистоннинг минтақада барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги сиёсатини юксак баҳолайди.

Жаноб Президент, Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни қабул этгайсиз.

**Жак ШИРАК,**
**Франция Республикаси Президенти**

* * *

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мустақиллик куни байрам қилиниши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон Республикаси халқини зўр мамнуният билан муборакбод этаман ҳамда барчангизга бундан буён ҳам равнақ ва бахт-саодат тилаб билдирган энг эзгу истакларимни изҳор қиламан.

**ЕЛИЗАВЕТА II,**
**Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Қироличаси**

* * *

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент жаноблари,

1 сентябр — Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва халқингизга самимий қутловларимни йўллайман.

Саккиз йил муқаддам мустақиллик эълон қилинган пайтдан буён Ўзбекистон машаққатли, аммо буюк йўлни босиб ўтди. Германия аввалбошданоқ бу йўлда Ўзбекистонга ҳамроҳлик қилди.

Шу давр мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар муттасил ривожланиб борди. Биз Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасидаги муҳим шерик ва барқарорлик гарови, деб биламиз.

Сиз Ўзбекистон парламентининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида сўзлаган катта маърузангизда давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, шунингдек, фуқаролик жамиятини барпо этишни мамлакатнинг келгуси асрга ўтишидаги энг муҳим йўналиш, деб атадингиз. Мана шу мақсадларга эришиш йўлида Сиз бундан буён ҳам Германия тимсолида ишончли шерикка эга бўласиз.

Келажакдаги бу шарафли йўлни босиб ўтишда Сизга ва мамлакатингизга барча эзгу истакларни тилайман.

**Эҳтиром билан Йоҳаннес РАУ,**
**Германия Федератив Республикаси Президенти**



# ТАРАЛ ЖАҲОНГА, «ШАРҚ ТАРОНАСИ»

Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўз ишини муваффақиятли якунлади. Буюк ипак йўлининг маънавий тикланиши, тинчлик, дўстлик, миллий маданиятларнинг ўзаро яқинлашуви шиорлари остида ўтган бу анжуманда жаҳоннинг 35 мамлакатидан келган санъаткорлар иштирок этдилар.

Фестивал тараддуди Тошкентда анча аввал бошланган эди. Мусиқий анжуманга бағишланган дастлабки матбуот-конференцияси чоғи ҳамкасб журналистлардан бири «Фестивалда, гарчи ғолиблар аниқланса-да, ҳеч ким мағлуб бўлмайди, ҳамма ғолиб бўлади» деган эди. Регистон майдонида халқаро анжуман тантанали равишда очилганидан кейин шу ҳамкасбим билан, бир неча хорижий меҳмонлар билан суҳбатлашдим, юртимизга илк бор ташриф буюрган ижрочи санъаткорларни суҳбатга тортдим. Ҳамманинг фикри бир жойдан чиқди. Украиналик санъаткор Любомир Матейко ҳаяжонини яшира олмай шундай деди:

— Дунёда мусиқа фестиваллари озмунча эмас. Уларнинг кўпларида қатнашганман, кейинчалик машҳур бўлиб кетган санъаткорларнинг илк ижроларини турли хил мусиқа танловларида тинглаганман. Аммо, Регистонда шоҳид бўлганим — бу нақд мўъжиза- нинг ўзи, мафтункор спектакл ёки бўлмаса — тугал бадиий асар. Режиссёр Баҳодир Йўлдошев фантазиясига қойил қолдим. Назаримда, очилиш маросими мусиқанинг илоҳий таъсир кучини оламга намойиш этди. Ёшлар, болалар ижросидаги бетакрор рақс ва қўшиқларни томоша қилар эканман, кўз ўнгимда мустақилликка эришган, ўз тақдирини ўз қўлига олган, 8 йил ичида камида саксон йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтган Ўзбекистонни, халқингизнинг покиза қалбини орзуумидларини жуда аниқ тасаввур этдим. Бундай юртга, бундай одамларга ҳавас қилмасликнинг иложи йўқ...

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг табрик нутқи фестивал қатнашчилари, меҳмонлари ҳамда Регистон майдонида ҳозир бўлган минглаб томошабинларни беҳад руҳлантириб юборди. Юртбошимизнинг «Агарки, маданият одамзотни яхшилик сари бошлайдиган, дунёни нурафшон айлайдиган жоҳиллик ва ёвузликни даф этадиган, бир сўз билан айтганда, инсонни инсон қиладиган қудратли куч бўлса, дунёдаги энг улкан ва таъсирчан маданий бойлик — бу мусиқа санъатидир» деган сўзлари бутун фестивал давомида оғиздан тушмади, мусиқий анжуманнинг туб моҳиятини белгилаб берди. Меҳмонлар юртбошимиз ташаббуси билан бошланган ва қисқа вақт ичидаёқ жаҳон миқёсида ўтказиладиган нуфузли анжуманлардан бирига айланиб кетган «Шарқ тароналари» танловидан кўзланган мақсадни шу сўзлар орқали янада аниқ-равшан англаб етдилар.

Токай университетининг профессори, Шарқ халқлари мусиқа санъатининг билимдони Хоруми Кошиба хоним бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати аъзолари бир неча кун давомида Регистон майдонида жаҳоннинг турли бурчакларидан келган санъаткорларнинг чиқишларини диққат билан кузатдилар. Самарқанд шаҳрининг боғ ва хиёбонларида, театр майдонларида концертлар бир-бирига уланиб кетди. Маҳаллий ижрочиларнинг меҳмонлар билан биргаликдаги концертларини минг-минглаб томошабинлар кузатдилар. Фестивал доирасидаги маданий тадбирлар, учрашувлар, кўрик-кўргазмалар ғоят қизиқарли ўтди.



«Афросиёб» меҳмонхонаси мажлислар залида бўлиб ўтган матбуот конференцияларида хорижлик ҳамкасбларимиз «Шарқ тароналари» фестивалининг катта аҳамиятини алоҳида таъкидладилар. Айни пайтда, улар Ўзбекистонга келиб кўрганларини, бу ерда қисқа вақт ичида юз берган ўзгаришларни айтиб, бундай ажойиб диёрга келиш улар учун нақадар завқли эканлигини таъкидлашди. Грузияликлар, бангладешликлар, украина ва ҳиндистонликларнинг мамлакатимиз тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини эшитиш ҳаммамиз учун ҳам бағоят мароқли бўлди.

Фестивал кунлари «Шарқ халқлари мусиқа чолғулари» илмий-ижодий конференцияси ҳам ўтказилди. ЮНЕСКО вакили, бутунжаҳон «Мерос» маркази директори Мунир Бушинаки, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Отаназар Матёқубов, Санъатшунослик институти директори Оқилхон Иброҳимов, франциялик олим Жан Дюринг, Саудия Арабистонидан келган меҳмон Муҳаммад Омон, Америка Қўшма Штатларидан келган Филипп Скайлер, ўзбекистонлик олима Дилором Каромат, Тбилиси университети доценти Марико Надарашвили ва бошқаларнинг илмий маърузалари кўпчиликда кучли таассурот қолдирди. Конференция қатнашчилари маърузаларнинг илмий-амалий аҳамиятини ҳисобга олиб, уларни ЮНЕСКО ҳомийлигида алоҳида тўплам ҳолида нашр этишга қарор қилдилар.

Ниҳоят, ҳайъат аъзолари ғолибларнинг номларини эълон қилишди. Фестивалнинг бош соврини — «Гран при» ўзбекистонлик хушовоз хонанда Насиба Сатторовага топширилди. Грузиялик, Саудия Арабистонлик, Жанубий Кореялик, тожикистонлик, ҳиндистонлик, туркманистонлик санъаткорларнинг маҳоратлари юксак баҳоланди. ЮНЕСКОнинг Олий соврини Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов ва моҳир ижрочи Абдуҳошим Исмоиловларга топширилди.

Фестивал ҳайъати аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига табрик мактуби қабул қилдилар.

Фестивалнинг тантанали ёпилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари, фестивал ташкилий қўмитаси раиси Ҳамидулла Кароматов иштирок этди ва ғолиб санъаткорларни, барча иштирокчи ҳамда меҳмонларни самимий қутлади.

**А. МЕЛИБОЕВ**

**Фестивал иши тўғрисидаги батафсил ҳисобот-мақолани газетамизнинг кейинги сонларида ўқийсиз.**



**Н. МУҲАММАДЖОНОВ сурат-лавҳалари**

# ВАТАН ЭҲТИРОМИ



Она Ватанимиз мустақиллигининг 8 йиллиги байрами муносабати билан Президентимиз Фармонига биноан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад домлага озод юртимизнинг энг олий мукофоти — «Ўзбекистон қаҳрамони» унвони берилди.

Адабиётимизда, ижтимоий-маънавий ҳаётимизда содир бўлган ушбу қувончли воқеадан бизнинг ҳам бошимиз кўкка етди.

Саид Аҳмад домла истиқлол учун, мустақиллик учун кўп хизмат қилган ёзувчидир.

У кишининг асарлари истибдод замонида халқимиз кўнглида иқбол чироқлари янглиғ порлаган эди. Талабалик йилларимизда Саид Аҳмад домла қаламига олинган шеърларни ўқиб улғайдик.

*Бир кун кулиб қилдилар*
*имо*
*Курсдош қизлар — Ҳуснобод*
*қизлар:*
*Бу кунларни шеър қилинг,*
*Мирзо,*
*Қўшиқ қилиб айтайлик*
*бизлар.*

*Савр эди. Ҳаво —*
*намзада,*
*Кулги истаб турмас*
*эдик тинч.*
*Тинмас эди*
*тунлар «Ҳамза»да*
*Келинларнинг қўзғолони*
*ҳеч.*

Мана, мустақиллик замонида халқимиз ўзининг асрий орзуларига етишди. Бу замонда элимизнинг кўнглига яқин бўлган адиблар алоҳида эҳтиромга сазовор бўлди. Бу эҳтиром — Ватан эҳтироми, халқ эҳтиромидир.

Ҳурматли Саид Аҳмад домла, ана шу эҳтиром сизга қутлуғ бўлсин!

## ҚОРДАЙ БОШИМ УЗРА ПОРЛАДИ ҚУЁШ

***Бугун юрагимда эриб битди тош,***
***Бугун тилагимда ушалди бардош.***
***Бугун чаман бўлди ташимга чиқмай,***
***Кўкрак қафасимда қотиб қолган ёш.***

***Армонлар йўқолди, зулмат йўқолди,***
***Садога айланди сокин жимжитлик.***
***Бўғзимда озодлик нафаси ёнди —***
***Кексайган чоғимда келди йигитлик.***

***Бугун уфқни кўзлаб, уфққа етдим,***
***Дунёда энг баланд тоғни забт этдим.***
***Лекин уфқ ортида яна уфқ кўрдим,***
***Қордай бошим узра порлади қуёш.***

***Истиқлол қуёши алқади бизни,***
***Чароғон айлади кеча-кундузни.***
***Бугун олиб бердим эрк осмонидан***
***Она Ватанимга олтин юлдузни.***

***Бугун юрагимда эриб битди тош,***
***Бугун тилагимда ушалди бардош.***
***Бугун чаман бўлди ташимга чиқмай,***
***Кўкрак қафасимда қотиб қолган ёш.***

**Рустам МУСУРМОН**

# ҚУТЛОВ

Устоз Эркин Воҳидовни байрам арафасида, байрамдан кейинги кунларда ҳам топиш, суҳбатлашиш қийин бўлди. Юксак унвон баҳонасида ҳассос шоиримизнинг икки оғиз дил сўзларини ёзиб олмоқчи эдик, лекин Эркин ака ниҳоятда банд бўлдилар. Шунга қарамай, Эркин ака аввало узру маъни қилиб, сўнгра газетхонларимизни қутлуғ байрам билан табриклаб, бундоқ дедилар:

— Байрамдан кейин тайёр бўлажак биринчи катта шеърий туркумимни албатта «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетхонларига тақдим этаман. Ҳаммаларингизни Мустақиллик байрами билан чин дилдан табриклайман.

Хуллас, «Ўзбекистон қаҳрамони» деган юксак унвонга устоз шоиримиз шунчаки сазовор бўлмадилар. Мустабид тузум даврида шўролар замонининг барча тазйиқу таъқибларига қарамай, ўз ижодида миллат, ўзбек миллатининг дарду изтиробларини ифодалаган, шул Ватаннинг, ўзбек элининг бахту иқболига умид ҳам ишонч кўзи ила қараган шоиримизнинг барча орзу ва ниятларининг рўёбга чиққанига ҳам, мана, саккиз йил тўлди.

«Ўзбегим»нинг ўзи бутун бир тарих, бутун бир давр.

Эркин ака бундай улуғ рутбага, бундайин юксак обрў-эътиборга шеърият йўлида чеккан заҳматлари, бедор кечалару уйқусиз тунлар, чексиз изтироблар ва севинчлар, қолаверса, узоқ, беҳаловат йиллар эвазига эришдилар. Кўп сонли газетхонларимиз, дўсту биродарлари, мухлислари, шогирдлари номидан биз ҳам ўзимизнинг дил табригимизни, қувончимизни изҳор этмоқдамиз. Устозимизнинг умрлари узоқ бўлсин, шу гўзал Ватаннинг, шу жафокаш, заҳматкаш элнинг ўз шоири, Эркин шоири бўлиб яна узоқ йиллар гўзал, зариф шеъру ғазаллари ила маънавий муҳитимизга кўрк бағишлаб юрсинлар.



## ИЗҲОР

***Ҳар қандайин шеъру ғазал девон бўлолмагай,***
***Ёинки ҳар эсган шамол тўфон бўлолмагай.***

***Ҳору хазон бисёр эрур бу даҳри дун аро,***
***Дон бўлмагай бирортаси, сомон бўлолмагай.***

***Олам туни ичра нурсиз чироғ эрур магар,***
***Умрки, ул сарфи илму урфон бўлолмагай.***

***Бундайин лутф, зарофату сухан кимда бор,***
***Ўзбек мисол ҳинду фаранг, ёпон бўлолмагай.***

***На хуш эрур Истанбулу Эрону Қоҳира,***
***Сурхон бўлмас бири вале, Қўқон бўлолмагай.***

***Ҳар элатнинг ўз суянган қўшиғи бор, вале***
***«Ўзбегим»дай қасидаю достон бўлолмагай.***

***Эврилса гар неча фалак, неча даврy замон,***
***Шоир шоир бўлиб қолар, чўпон бўлолмагай.***

***Матоҳ қилсалар юз Муҳаммаду Сирож шеъридан,***
***Устоз Эркин Воҳидга бир чопон бўлолмагай.***

**Сирожиддин САЙЙИД**

# ИЖОДКОРЛАРГА ЭҲТИРОМ







Гапнинг очиғи, истиқлолгача кечган даврда бошқа соҳалардаги сингари бадиий ижод жабҳасида ҳам ижодкор меҳнатини баҳолаш, уни рағбатлантириш борасида ғалати мезон бўларди. Шоирми, ёзувчими, ким, қандай савияда ижод қилишидан қатъий назар, тақдирлаш учун унинг эллик, олтмиш, етмиш ва ҳоказо ёшларга чиқиши кутиларди. Натижада, адабиётда унвонни улуғлайдиган ижодкорлар билан, унвон туфайли улуғланадиган «ижодкор»лар пайдо бўларди. Айни пайтда, ижодкор учун унвон унинг кундалик ижтимоий фаолиятига қараб бериларди. Халқ учун яратиладиган асар «кундалик ижтимоий фаоллик» ҳисобланмасди...



Мустақиллик туфайли ижодкорларни тақдирлашдаги эскирган усуллар ҳам барҳам топмоқда. Истиқлолнинг 8 йиллиги арафасида Президентимиз томонидан бошқа соҳалар вакиллари сингари ижодкорларга ҳам берилган унвону мукофотлар бунинг ёрқин исботидир.

Ёзувчи Тоғай Муродга «Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси» унвони берилиши кўпчилик адабиёт ихлосмандларини, китобхонларни қувонтирди. Унинг «Ойдинда юрган одамлар», «От кишнаган оқшомда», «Отамдан қолган далалар» китоблари истиқлол даври адабиётидаги яхши асарлардан бўлди.



«Ўзбекистон Республикаси халқ шоири» унвонига мушарраф бўлган Хуршид Давроннинг ижодида тарихга муносабат етакчи ўринни эгаллайди. Бу, айниқса, унинг сўнгги йилларда яратилган «Самарқанд хаёли» китоби, «Амир Темур» ҳужжатли телекўрсатувларида яққолроқ намоён бўлади.

Рауф Парфининг асарлари, шеърларида истиқлол мавзуи, озодликка чақириқ руҳи асос эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шоир истиқлолга ташна қалбнинг, мустақиллик учун курашувчи инсоннинг туғёнларини акс эттирди. У Туркистон, Турон ёди билан боғлиқ барча шеърларида озод юртни тараннум этди.

Ҳабиб Саъдулла ва Тўра Сулаймонни етук шоирлар сифатида халқимиз яхши билишади. Уларнинг гўзал юртимизни, меҳнаткаш халқимизни, Ватанга бўлган оташин муҳаббатни улуғловчи асарлари гоҳ шеър, гоҳ қўшиқ ҳолида инсонлар қалбига етиб борган. Энг муҳими, уларнинг асарлари ҳар бир инсонни бугунги озод юртимизни, яратувчи халқимизни ардоқлашга, унинг тақдири ҳақида қайғуришга чорлайди. Ҳаётнинг абадийлиги, гўзаллигидан бизни ҳайратлантиради. Шунинг учун ҳам улар ўз асарлари билан «халқ шоири» деган юксак унвонга ярашиғлиқ.

Истиқлолнинг саккиз йиллик тўйи арафасида Президентимиз ижодкорларга алоҳида эҳтиром кўрсатди. Икки ижодкор «қаҳрамон» бўлди, ўттизга яқин ёзувчи ва шоирлар «Эл-юрт ҳурмати», «Меҳнат шуҳрати», «Дўстлик», «II даражали «Соғлом авлод учун» орденлари билан тақдирланди. Ўндан ортиқ адиблар «Жасорат» ва «Шуҳрат» медалларига сазовор бўлдилар. Ўндан ортиқ шоир, журналистларга «Ўзбекистон Республикасидан хизмат кўрсатган журналист», «Ўзбекистон Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонлари берилди. Президент эҳтироми халқ эҳтироминининг ифодасидир. Озод юртнинг, озод халқнинг сийловлари муборак, азиз ижодкорлар!

## ЭЪТИРОФ

Ҳали шу вақтгача ҳеч бир давр, ҳеч бир мамлакатда санъат ва санъат аҳли бизнинг юртимиздагичалик қадрланмаган, десак хато бўлмаса керак.

Мана куни кеча мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги арафасида турли соҳаларнинг бир гуруҳ ходимларини Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлаш ҳақида чиққан Президентимизнинг Фармонида ҳам санъат, маданият кишиларига катта эътибор қаратилган. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» унвонига сазовор бўлганлар орасида ўз изланишлари билан мутахассислар ва мухлислар диққатини тортиб турган икки ёш рассом — Шуҳрат Абдумаликов ва Бахтиёр Тўраевнинг борлиги кишини қувонтиради. Моҳир таржимон, дубляж санъатининг устаси Қодир Мирмуҳамедов, истеъдодли режиссёр Маҳкам Маҳамедов, мусиқа санъатимиз билимдонларидан Равшан Юнусов, сеҳрли мўйқалам соҳиби Турсунали Қўзиев каби санъат ва маданиятимизнинг муносиб намояндалари ҳам шундай унвонга сазовор бўлганлар.

«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти» унвонига сазовор бўлганлар рўйхати бошида турган Файзулла Аҳмедов ва унинг бир неча ҳамкасблари бугун меҳнатлари муносиб тақдирланганидан, ҳукумат ва эл-юрт эътиборидан ҳар қанча фахрлансалар арзийди. Зеро, таниқли актёр Ҳожиакбар Нурматов, хушовоз хонанда Замира Суюнова санъатлари аллақачон халқимиз қалбидан жой олган. Бошқа халқ артистлари ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Рассом Тўра Курязов ижоди миллийлиги, халқона оҳанглари билан ҳамиша санъат ихлосмандларини ўзига жалб этиб келган. «Ўзбекистон халқ рассоми» унвонининг берилиши таниқли рассом ижодига бўлган халқ эҳтироминининг ифодасидир.

Юртимиз азалдан ўзининг катта ашулачилари ва ҳофизлари билан машҳур. Узоққа бормасдан, Тўйчи ҳофизни эслашнинг ўзи кифоя. Ундан кейин қанча-дан-қанча санъаткорлар хушовозлари билан оламни лол этдилар. Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшукуров... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Ҳозирги кунда эса кўплаб ёшлар устозлар анъанасини муносиб давом эттирмоқдалар. Айниқса, мумтоз қўшиқларимиз — мақом ижрочилари сафи кундан-кунга кенгаймоқда. Бугун ана шу сафнинг олдида бораётган ака-ука Исмоилжон ва Исроилжон Ваҳобовларга «Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи» унвонининг берилиши қадимий ва яшараётган мақом санъатига эҳтиром намунасидир.

Республикамиздаги мавжуд 30дан ортиқ театрлар, концерт ташкилотлари ва бошқа кўплаб санъат муассасаларида ижодий парвозга шай, янги чўққилар сари интилаётган жуда кўп ёшлар фаолият кўрсатмоқдалар. Уларнинг орасидан яхшиларини саралаб олиш мушкул. Чунки барчаси бирдек санъатсевар, халқ бахт-саодати йўлида ўз истеъдодини борича сарфлашга қодир бўлган ижодкорлардир. Шунинг учун ҳам «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлганлар рўйхати кўпчиликни ташкил қилади. Ўйлаймизки, бу унвон барча ёш ижодкорларни ўзбек санъати равнақи йўлида бор куч-ғайратини сарфлашга даъват этади.

Бундан ташқари, бир қанча ижодкорлар «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» унвонига ва Феруз Ашрафий «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган меъмор» унвонига сазовор бўлдилар. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига сазовор бўлганларнинг деярли ҳаммаси эл таниган, юртда обрў-эътибор топган кишилардир. Биз уларнинг барчасини юксак унвонлар билан самимий қутлаймиз.

## БУЮКЛИК

Кеча иқтидорли иқтисодчи олим Шодибек Ҳамроевни кўрдим. Қўлида бир даста табрикнома, ҳаммани қутлаб юрибди. У таҳририятимизга завқу шавқ билан кириб келди, кўзлари севинчдан ёнади. Унинг самимияти мени қувонтириб юборди.

— Байрамни ўзингнинг ватанингда, дўсту биродарларинг билан нишонлаш қандай яхши-я, — деди у. — Бир йили мустақиллик байрамини Англияда нишонлаган эдим, — дея ҳикоя бошлади. — Ўшанда мустақиллик шарофати билан Республикамиз Банк молия академиясининг биринчи қалдирғочларидан бири сифатида Буюк Британияга сафарга юборилган эдим. У ерда 48 кун бўлдик. Ватанимни жудаям соғиндим. Ўша сафарда мен учун энг катта таассурот мустақиллигимиз байрамини нишонлаганимиз бўлди.

Жаҳондаги йирик ва қудратли давлатлардан бири бўлган Буюк Британия заминида она Ватанимиз — Ўзбекистон учун ажратилган бир парча ер бор. Бу бизнинг элчихонамиз. Унинг пештоқида Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турибди. Ана шу заминда мен юртдошларим билан бирга мустақиллигимиз байрамининг 6 йиллигини нишонлаган эдим. Ўшанда юздан ортиқ давлатлар вакиллари келиб, элчиларимиз ва бизни байрам билан табриклаб кетаётганини кўриб, бирам мағрурландим, бирам мағрурландим. Ватанимизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътибори ва салоҳиятини илк бора бевосита хорижда туриб ҳис этган эдим. Кўнглим тоғдай кўтарилиб кетди ва Ватанимга тезроқ қайтиш истаги кучайди. Бу воқеа ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Мана, ўшандан буён икки йил ўтди. Бу орада юртимизда жудаям катта ўзгаришлар содир бўлди. Айтмоқчиманки, Ватанимиз кўз олдимда тобора буюклашиб бормоқда. Ана шу буюклик муборак бўлсин!

**М. РАВШАН**

## СУРУР





***Бу кун навқирон шеъриятимиз сурури бўлакча. Озод Ўзбекистон шукуҳи ушбу шеъриятнинг илҳом манбаи. Чинакам бахт ва шодлик ёшлар ижодининг етакчи манбаидир. Энг муҳими уларнинг адабий жараёндаги муносиб ўрни, ижодий изланишлари доимо эътиборда.***

***Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги муносабати билан Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонига биноан ижодий соҳаларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган ходимлардан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак орден ва медаллари билан мукофотланди. Мукофотланганлар орасида таҳририятимиз ходимлари, истеъдодли ёш шоирлар Сирожиддин САЙЙИДОВ ва Рустам МУСУРМОНОВнинг ўрин олишгани жамоамизни ғоятда севинтирди.***

***Истиқлолни — бахтим, деб билган бу шоирлар ижоди ватанпарварлик, меҳр-муҳаббат, дўстликка садоқат ва теран инсонпарварлик туйғулари билан суғорилган. Бадиий ижод сирларини тобора чуқурроқ эгаллаб бораётган Сирожиддин Саййидовнинг «Дўстлик» ордени билан, Рустам Мусурмоновнинг «Шуҳрат» медали билан тақдирлангани уларнинг ижодий ютуқларига билдирилган юксак эътирофдир.***

***Таҳририятимиз кўп минг сонли газетхонлар, шеърият мухлислари, ижодий жамоамиз номидан уларни мукофотлар билан табриклаб, ижодий изланишларида янги ютуқлар тилайди. Ўйлаймизки, улар ўзларига билдирилган бу улкан ишончдан илҳомланиб, шеъриятимизнинг юксак парвозига муносиб ҳиссаларини қўшаверади.***

***ТАҲРИРИЯТ***

## МЕҲРИ ДАРЁ ХАЛҚИМСАН

**Юсуф ХУДОЙҚУЛ**

***Саккиз довон, саккиз тоғ,***
***Саккиз чўққи, саккиз боғ,***
***Саккиз ёғинг нур чироғ,***
***Озод бўлдинг, элим-а!***

***Камарбаста елкадош,***
***Кўксингда порлар қуёш,***
***Йўлинга йўлим йўлдош,***
***Озод бўлдинг, элим-а!***

***Меҳри дарё халқимсан,***
***Вулқон каби қалқибсан,***
***Замин узра балқибсан,***
***Озод бўлдинг, элим-а!***

***Йўлинг ёритсин юлдуз,***
***Кечанг ҳам бўлди кундуз,***
***Юртлар ичра ёруғ юз,***
***Озод бўлдинг, элим-а!***

***Қуёшга етди бошинг***
***Юксалишдир талошинг,***
***Энди ҳалолдир ошинг,***
***Озод бўлдинг элим-а!***

***Битта Ватан шунча бўлар,***
***Тупроғида тилло унар,***
***Туғросига ҳумо қўнар,***
***Озод бўлдинг, элим-а!***

***Қаддингни тут, эл кўрсин,***
***Келбатинг тоғни урсин,***
***Озодлигинг буюрсин,***
***Озод бўлдинг, элим-а!***

## ИФТИХОР БАЙРАМИ

**Давоми. Боши 1-бетда**

саккиз йиллигига бағишланган тантанада нутқ сўзлаб, бутун Ўзбекистон халқини, барча ватандошларимизни, юртимиз меҳмонларини Истиқлол байрами билан қутлади. Президент ўз табрик сўзида **«Ажлодларимиз асрлар давомида орзу умиди билан яшаган озодлик ва эркинлик даври халқимизга қанот бағишлади, унинг мудраб ётган салоҳияти ва куч-қудратини намоён этишга имкон берди. Ҳеч шубҳасиз, шу қисқа вақт ичида Ўзбекистон тарихий бир масофани босиб ўтди»,** — деди. Дарҳақиқат, бугун бутун жаҳон бу ҳақиқатни рўй-рост кўриб турибди. Ютуқларимизни эътироф этмоқда. Майдон узра Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янграйди.

Бу йилги байрам дастури янада ранг-баранг, у миллий маданиятимизнинг барча қирраларини кенг қамраб олганлиги билан диққатга сазовордир. Юртимизнинг энг таниқли санъаткорлари байрамга атаб яратган куй-қўшиқларида озодлик нашидасини тараннум этдилар. Майдонда Имом Бухорий, Ат-Термизий, Амир Темур, Улуғбек ва Навоий сингари боболарниг набиралари, энди саккиз ёшга тўлган истиқлол фарзандлари жўшиб куйлайди. Шундан сўнг Ўзбекистон тарихининг шонли ўтмишидан ҳикоя қилувчи тарихий лавҳалар, Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, Усмон Носир сиймолари намоён бўлади. Бугун Ўзбекистон шуҳратини жаҳон узра ёяётган, спортнинг турли соҳаларида донг таратган моҳир полвонлар, курашчилар, боксчиларни байрам иштирокчилари ифтихор билан олқишлашади. Республика вилоятларининг бадиий жамоалари ҳам ҳар бир минтақанинг ўзига хос бетакрор санъати орқали истиқлол сурурини куйлайдилар. Вилоятларнинг ёш санъаткорлари, эстрада ва фолклор-этнографик ансамблари чиқишлари олқишлар билан кутиб олинади. Чироқлар маржон-маржон товланиб истиқлол манзараларини ифода этади. Куй-қўшиқларга мос равишда товланган рангин жилолар миллий ғурур билан юксалган қалбларга чексиз қувонч улашади.

«Қўшиғимнинг авжисан ватан» дея номланган дастурдан жой олган ранг-баранг қўшиқлар юрт ифтихорини тараннум этади. Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Юлдуз Усмонованинг шоир Муҳаммад Юсуф шеърларига басталанган «Ўзбекистон» ва «Халқим» деб номланган қўшиқлари эса байрам дастурининг энг баланд чўққиси сифатида ҳали-ҳануз кўнгилларда акс-садо бериб турибди.

Мустақиллик манзаралари турли чироқлар, ранго-ранг паннолар, тимсоллар орқали акс эттирилган майдон осмони узра юлдузлар мисоли мушаклар порлай бошлади. Уларни пойтахтнинг бош майдонидагина эмас, бутун Тошкент осмонида кузатиш мумкин эди. Бошингиз узра миллион-миллион юлдузлардек шуъла сочаётган мушаклар қалбингизнинг ғурурига, ифтихорига, севинчингиз, бахти бутунлигингизга шунчалар эш эдики, бу манзарани бир бор кўрган, бу улуғ воқеанинг бир бор шоҳиди бўлган қалб уни бутун умр хотирасига тумордек муҳрлаб қўйиши шак-шубҳасиздир.

Бу миллионлаб қалбларнинг озодлик байрами, чин ҳуррият нашидаси эди.

1 сентябр куни Мустақиллик байрами юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида ажойиб бир тарзда ўтди. Мустақиллик майдонининг асосий саҳнасида, «Халқлар дўстлиги» майдони, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, Амир Темур хиёбони, Сайлгоҳ майдонида, Мирзо Улуғбек ёдгорлиги, Шоирлар хиёбони, Алишер Навоий номидаги театр майдони, Сирғали, Акмал Икромов туманларидаги дам олиш масканларида, пойтахтдаги йирик томошагоҳларда, шунингдек, барча вилоятларнинг шаҳар ва қишлоқларида элимизнинг ардоқли санъаткорлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари Мустақиллик байрами тантаналарига файз бағишладилар.

Юртимиз узра ҳуррият байрами тантаналари давом этаётир.

**Мурод АБДУЛЛАЕВ**

## ИЛҲОМ МАНБАИ — ОНА ТАРИХ

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан республикамиз мустақиллигининг 8 йиллигига бағишлаб тарихий мавзуда асарлар яратувчи мўйқалам усталари асарлари кўргазмаси очилди. Жамғарманинг кўргазмалар залига Ўзбекистон халқ рассоми Тўра Қурязов, рассомлар Рустам Худойберганов, Искандар Воҳидов, Эркабой Машарипов, Виктор Апухтин ва Улуғбек Қурязовларнинг миллий қаҳрамонимиз Жалолиддин Мангуберди-нинг 800 йиллиги ва машҳур мумтоз шоиримиз Огаҳий таваллудининг 190 йиллигига бағишланган суратлари ва ҳайкалтарошлик асарлари намойишга қўйилди.

Кўргазмани халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али очди. Мўйқалам усталари, санъатшунос олимлар ва кўргазма очилишига ташриф буюрган жамоатчилик вакиллари куни кеча Президент Ислом Каримов Фармони билан мукофотланган бир гуруҳ ижодкорлар сафида Ўзбекистон халқ рассоми унвонига сазовор бўлган Тўра Қурязовни бу юксак эътироф билан муборакбод этдилар. Миллий маънавиятни шакллантириш, она тарихдан ибрат олиш, миллий истиқлолнинг моҳиятини теран очиб бериш ва умуминсоний туйғуларни ёшлар онгига сингдириш бугуннинг долзарб вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланди.

Санъат мухлислари Т. Қурязовнинг «Жалолиддин Мангуберди», «Феруз», «Огаҳий» асарлари, Улуғбек Курязовнинг «Ота Полвонов» портрети деб номланган ҳайкалтарошлик асари, шунингдек, Рустам Худойбергановнинг Жалолиддин Мангуберди тимсоли гавдалантирилган «Асло таслим бўлмаймиз» асарларига юксак баҳо бердилар.

Кўргазма очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев иштирок этди ва сўзга чиқди.

## «МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАЛАРИ»

«Фан» нашриёти самарқандлик таниқли адабиётшунос олим Назар Ражабовнинг «Маънавият сарчашмалари» деб номланган китобини чоп этди. Китобда маънавий меросимиз, тарихдаги буюк сиймоларимиз ва уларнинг энг диққатга сазовор ҳикматлари, ўгитлари, панд-насиҳатлари, шунингдек Ислом маънавияти, Ватан туйғуси билан боғлиқ қизиқарли маълумотлар қамраб олинган. Муаллиф асарда ана шу умуминсоний тушунчаларнинг туб моҳиятини шарҳлашга, уларни тушунарли тил билан ўқувчига етказишга ҳаракат қилади. Жумладан, «Ҳибатул ҳақойиқ»нинг ёзилган даври ва «Хамса» шуносликка доир масалаларга янгича ёндошилган. Имом ал-Бухорий бобомиз, шунингдек, Абдурауф Фитрат ва Ойбек домла ижоди ва ҳаётига доир мисоллар орқали Ватан туйғусининг нечоғлик мўътабарлиги ҳақида сўз юритилади.

«Маънавият сарчашмалари» талабалар ва мактаб ёшидаги ўқувчиларга мўлжалланган. Шу маънода асар «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Маънавият асослари»ни теран ўзлаштиришда ўқувчилар учун қимматли қўлланма сифатида хизмат қилиши мумкин.

Китобга филология фанлари номзоди, нашриёт директори Наримон Ҳотамов масъул муҳаррирлик қилган.

*Доимий ҳамроҳ*

## «ДОНОЛАР ХАЗИНАСИДАН»




Маърифат — инсонни ўзлигини таниш, дунёни англаш, халқ ва Ватан олдидаги масъулиятни ҳис этиб яшашга ўргатади. Мустақил мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган бизнинг замонда маърифатга берилаётган эътибор ҳар қачонгидан юқоридир. Бунга ёшларга атаб нашр этилаётган янгидан-янги адабиётлар, турли мавзудаги китоблар ҳам асос бўла олади.

Яқинда «Ўқитувчи» нашриёти заҳматкаш педагоглар Тўлқин Султонов ва Асқар Сулаймоновнинг «Донолар хазинасидан» номли рисоласини тўрт минг нусхада босмадан чиқарди. Рисолага жамланган доноларнинг пурмаъно фикрлари эзгуликнинг шаффоф булоқларидан сув ичган, улар инсон онгига куч-қувват бағишлаши, ақлини ёритиб, комиллик сари ундаши билан улкан тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Рисолага ёзган сўзбошида шоира Зулфия Мўминова шундай дейди: «Мустақил давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ҳар бир сўзи, маърузалари қалб кўзимизни очади. Дилимизга нур ато этади. Ёшларга яхши фазилатларни сингдириш билангина улар қалбида эзгулик дарахтини кўкартириш мумкин. Шу йўлдаги уринишлардан бири сифатида ушбу рисолани қабул этгайсиз».

Ёш авлодни баркамол бўлиб шаклланишга, фикр юритишга даъват этадиган бундай нашрларнинг хизмати ҳамиша қадрли, эътиборлидир.

Рисолага Ш. Аъзамов муҳаррирлик қилган, Мусаҳҳиҳ — М. Ҳасанова.

## ДЎСТЛИК ЖАМИЯТЛАРИ КЕНГАШИДА

***Ўзбекистон Хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши биносида АҚШ ва Канададаги Бухоро яҳудийлари конгресси аъзолари билан учрашув бўлди. Учрашув қатнашчиларини «Ўзбекистон — АҚШ» жамияти раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Ғуломов, АҚШ ва Канадада истиқомат қилаётган Бухоро яҳудийлари вакили Б. Пинхасовлар қутладилар. Дўстлик жамиятлари фаолларининг ўзаро мулоқотлари доирасида, шунингдек, Илёс Маллаевнинг хорижда ўзбек ва форс тилларида чоп этилган «Садои дил» деб номланган шеърлар китобининг тақдимномаси ҳам бўлди. Шу муносабат билан сўзга чиққан таниқли адиб, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Йўлдош Сулаймон, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, ёзувчилар Омон Мухтор, Раҳим Отаев ва бошқалар ўз мустақиллигининг саккиз йиллигини тантана қилаётган озод Ўзбекистон зиёлилари бугунги кунда жаҳоннинг барча мамлакатларидаги маданий-маърифий ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа боғлаганлиги, ҳуррият ижтимоий-маданий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби ижодий алоқаларнинг ҳам кенг қулоч ёйишига имкон яратганлиги ва унинг нақд самаралари ҳақида сўзладилар.***

***Учрашувга Ўзбекистон Хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши раиси, профессор Ж. Бўронов раислик қилди.***

ФАХРИЁР

# ДИЛДАН ЮЛИБ ОЛДИМ ҲАР БИТТА БАЙТНИ



* * *

*Келдигим, келмагинг*
*бунчалар қийин?*
*Кулдигим, кулмагинг*
*бунчалар қийин?*
*Билдигим, билмагинг*
*бунчалар қийин?*
*Куйдим, аллаёр-аллаёр,*
*суйдим, аллаёр-аллаёр!*

*Бу кўнгил эмранди, азобим —*
*билгич,*
*висолинг фалаждир, ҳижронинг —*
*келгич,*
*табассум кўрмаган шикаста кулгич.*
*Суйдим, аллаёр-аллаёр,*
*куйдим, аллаёр-аллаёр!*

*Бахтнинг дарвозаси занглаб ётади,*
*юрак очилмоғин ангниб ётади,*
*ортига ой ботар, юлдуз ботади.*
*Суйдим, аллаёр-аллаёр,*
*куйдим, аллаёр-аллаёр!*

*Не найсон эдингки, абр келмади,*
*қошинг қаросидан қадр келмади,*
*на жаҳру на зикру садр келмади.*
*Суйдим, аллаёр-аллаёр,*
*куйдим, аллаёр-аллаёр!*

*Кўнгил ойнасига кўз ёш тўкилди,*
*фалакдан ой билан қуёш тўкилди,*
*умид косасидан бардош тўкилди.*
*Суйдим, аллаёр-аллаёр,*
*куйдим, аллаёр-аллаёр!*

*Дилдан юлиб олдим ҳар битта байтни,*
*кулиндим, тилиндим, алёрлар*
*айтдим,*
*шояд тунларимга суйдигим қайтса.*
*Суйдим, аллаёр-аллаёр,*
*куйдим, аллаёр-аллаёр!*

## НАМОЗШОМГУЛ

*Мен сени овутмоқ истадим,*
*сочларингни силаб, эркалаб.*
*Намозшомгул, мунглим, музтариб,*
*ҳар саҳар, ҳар сафар эрталаб.*

*Артгим келди кўзёшларингни,*
*ҳам бошингга елкамни тутдим.*
*Ҳилол каби тим қошларингнинг*
*қоқ бағримга ботмоғин кутдим.*

*Кўнгил чўмди оқар ёшингга,*
*қошларинг бағримга ботмади.*
*Тошлари ботдими бошингга?*

*Гулим, сени қай видо енгди?*
*Қай жудолиқ дилда ётмади?*
*Қай муҳаббат азангга тенгдир?*

* * *

*Муҳаббат — кўксингга қамалган*
*ҳаво,*
*чиқиб кетолмайди кабутар бўлиб.*
*Менинг вужудимда ямалган юрак*
*зангли ҳасратларга ётадир тўлиб.*

*Сен кимни севарсан ҳаволар билан*
*Жаннат равзасидан энмаган бир гул?*
*Мен сенга ёмғирлар бўлиб эландим,*
*юлдуздай пойингга сачради кўнгул.*

*Ужмоҳ боғларидан учмас кабутар,*
*мен бир қул, кўкларга тикилиб толдим.*
*Давронлар ўтади, карвонлар ўтар.*

*Карвон қўнғироғи ҳажринг жомидир,*
*не мортув эдики, юракни чолди?*
*Муҳаббат ҳаётнинг интиқомидир.*

* * *

*Куйганинг мен бўлдим, суймаганинг —сен.*
*Армонлар юракка тош бўлиб чўкди.*
*Зил тортиб боради кўз ёш каби менг,*
*сангижумон тортиб боради кўксим.*

*Ҳиссиз бўсаларнинг муз қирралари*
*Тош бўлиб, ёш бўлиб тирнар ёдимни.*
*Муҳаббат қарийди, эҳтирос арир,*
*Хотирлар бахтиёр этмишдир кимни?*

*Бу залил кўнгилнинг не залолати:*
*суйгани сен бўлдинг, гулларга қасам!*
*Не тонгки, манглайда ишқ маломати?*

*Дилимнинг барига қўлим етмайди,*
*не васл — масалдир, не сабр — масал,*
*муҳаббатнинг жароҳати битмайди.*

## ҲАЛИ

*Ҳали куймаган дил, куйланмаган дард.*
*Йиғланмаган йиғи, кўрилмаган туш.*
*Ҳали севилмаган бир гул — суманбар.*
*Маломат кўрмаган ялангоёқ рушд.*

*Бир ёзиқ — ҳалики қўл урилмаган.*
*Юзига ҳали доғ тушмаган ҳилол.*
*Оғизларга тутилмаган бир лаган.*
*Ҳали тангрилар хол қилмаган Билол.*

*Ҳали сен ҳақингда сўзланмаган сўз.*
*Ҳали тўқилмаган ғийбат ва фасод.*
*Ҳали кафанликка бичилмаган бўз.*

*Битилмаган шеърлар. Сўнмаган умид.*
*Бир кўнгил — бозори бўлмаган касод.*
*Бир кўз, ололмаган ҳали мен юмиб.*

# КЎКЛАМ НАФАСИДАЙ ҲАЁТБАХШ ШЕЪРЛАР



**Баъзан шундай бўлади: куз фаслида ногоҳ кўклам ҳидини туясиз. Қалбингиз энтикиб, мудроқ босган вужудингиз тетиклашиб, томирингизда топ-тоза, шиддаткор қонлар гупура бошлайди. Кимлардир «беш кунлик ёлғончи» деб, таърифловчи бу ҳаётни янада қаттиқроқ сева бошлайсиз.**

**Қорақалпоғистонлик шоира Минайхон Жуманазарованинг шеърлари ана шундай таассурот уйғотади. Сизни чин берилиб, ихлос билан севишга ундайди, соф маънодаги яхши сўзнинг қули бўлишга чақиради. Зеро, шеъриятнинг вазифаси ҳам аслида шу эмасми?!**

**Ибройим ЮСУПОВ,**
**Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири**

*Минайхон ЖУМАНАЗАРОВА*

## НИЯТ

*Хорун-ар-Рашиддай ҳар куни*
*Кенг саҳрони кезгим келади.*
*Борми ёрти, синиқ, бутуни,*
*Ҳол-аҳволин билгим келади.*

*Дастурхонга ризқу баракат,*
*Мўл-кўлчилик бергим келади.*
*Очкўзларга сабру қаноат,*
*Виждон бўлиб энгим келади.*

*Ногиронга бўлиб шамчироқ,*
*Кенг жаҳонни кўргим келади.*
*Тоғ қўпориб мисоли Фарҳод,*
*Саҳрога сув бергим келади.*

*Ботирларнинг қилич-совути,*
*Кўксида ор бўлгим келади.*
*Эл бошига иш тушган пайти*
*Мен ҳам отга мингим келади.*

*Қиз юзида уят ва ибо,*
*Минг андиша бўлгим келади.*
*Йигитларга буюк мартаба,*
*Бахт қушидай қўнгим келади.*

*Кимман ўзи, Ўтмишим қандай,*
*Барин-барин билгим келади.*
*Даврларнинг излаб садосин,*
*Изларимни кўргим келади.*

*Неки кўрсам, неки эшитсам,*
*Барин хатга солгим келади.*
*Қўшиқ бўлиб кириб қалбларга,*
*Мангу яшаб қолгим келади.*

## САДАҒА

*Халқига узатса қўлини,*
*Тутиб Алпомиш йўлини,*
*Қараманг ўнгини, сўлини,*
*Кетсин... барчинлар садаға.*

*Элим деб инграган ботирга,*
*Бир ўзи мингларга тотирга,*
*Безак бўлиб бўш чодирга,*
*Кетсин... сулувлар садаға.*

*Ажиниёз каби сўзлари,*
*Дунёда танҳо ўзлари,*
*Халқимнинг кўрар кўзлари,*
*Шоирга минг қиз садаға.*

*Сув тубинда гавҳаримга,*
*Кўзи қора, хунхоримга,*
*Олғир бозим, шунқоримга*
*Кетсин... лайлилар садаға.*

*Қарға билан қузғунларга,*
*Элни бузган бузғунларга,.*
*Ем бўлгунча эзғинларга,*
*Кетсин... яхшилар садаға.*

* * *

*Эҳтиросга, кўнглим, бўлмагин банда,*
*Эрк берма ҳавойи ҳиссиётларга.*
*Гўзаллик шайдоси — кўзим, алданма,*
*Бош урма, эргашма етти ётларга.*

*Кўнглим кўчаларин кишанла, номус,*
*Виждон, ҳар қадамда назорат қилгин.*
*Меҳр, қалбга қуйил, сен ҳовуч-ҳовуч,*
*Беғубор, поклигим, сен огоҳ бўлгин.*

## МЕН КЕЛАМАН

*Сен сезмайсан, ҳали мен*
*Тушларингга кираман.*
*Ҳар йил сайин қайтадан*
*Баҳор бўлиб келаман...*

*Ҳали мени излайсан*
*Гирён чўлу тузда сан,*
*Ҳатто ўзинг сезмайсан,*
*Ҳижрон бўлиб келаман.*

*Тоғ бошида қор бўлиб,*
*Ўт-олов ва нур бўлиб,*
*Йўқлик аро бор бўлиб,*
*Нажот бўлиб келаман.*

*Нокаслар келиб устун,*
*Алданганда умидинг,*
*Силкинтириб ер бетин,*
*Инсоф бўлиб келаман.*

*Қарвон кўчса тушингдан,*
*Ўтса даврон бошингдан,*
*Дўстлар қочса қошингдан,*
*Ҳамдард бўлиб келаман.*

*Руҳинг чўкса, йиғласанг,*
*Ғурбат бағринг доғласа,*
*Омадсизлик тиғласа,*
*Иқбол бўлиб келаман.*

*Саратонда совқотсанг,*
*Қалбинг тўнгиб, муз қотсанг,*
*Кўкрагинг захга ботса,*
*Меҳр бўлиб келаман.*

*Безиб бир кун баридан,*
*Ёлғон иззат-тўридан,*
*Ҳафсаланг пир бўлган дам,*
*Виждон бўлиб келаман.*

*Пойимда тиз чўкарсан,*
*Қаршимда бош эгарсан,*
*Мен-чи, шунда гавҳардай,*
*Сув тубига шўнғийман.*

*Шўнғиб, қайтадан чиқиб*

*Сув остида бўғриқиб*
*Қалбинг инграр энтикиб,*
*Мен-чи сендан безарман.*

*Жой олиб дил тўридан,*
*Аъло чиқиб баридан,*
*Бир-бир учиб кўзингдан,*
*Тушларингга кираман.*

*Ҳали мен...*
*Ҳали мен...*

Вильям САРОЯН

# УЗУМЗОРДА

*Ҳикоя*

Мени ўн бешга кирганимда мактабдан ҳайдаб юборишди. Шу тариқа ўқишни «тамомлаганим»дан кейин соатига ўттиз центдан узумзорда ишлаш учун ёлландим.

У ерда мен билан уч мексикалик ва бир япон ишларди. Мексикаликлар шу ернинг ўзида, узумзордаги эски кулбада яшашарди. Уларнинг энг каттаси ўттизлардан ошганди. Исми Тапиа эди. Йигирма бешларга кирган бошқа мексикаликнинг исми ёдимда қолмаган. Энг кичкинаси эса мендан бироз каттароқ эди. Унинг номи ҳам ёдимда йўқ. У сеньор Тапианинг қайниси эди. Иккинчи мексикалик эса сеньор Тапианинг амакиваччаси бўлиб, унинг қайинсинглисига уйланганди.

Улар яшаётган торгина кулба болаларга лиқ тўлганди. Тапианинг икки ўғли ва икки қизи, иккинчи мексикаликнинг ҳам икки ўғли ва бир қизи бор эди. Уларнинг ичида энг ёш бўлган учинчи мексикалик эса ўзига қайлиқ ахтариш билан овора эди. Иккинчи мексикаликни мен Хосе деб атадим, кичкинасини эса — Панчо. Тапиа озғингинадан келган, эскичасига мўйлов қўйган ва паст овозли, басавлат, камгап одам бўлиб, инглиз тилида жуда ёмон сўзларди, аммо гапирганда ҳамма унга қулоқ соларди. Мен Тапиани тушунардим, япон ҳам уни тушунарди.

Япон бироз ғалатироқ одам бўлиб ўзини доимо «бакаяро» деб юрарди. Назаримда, бу сўз кўпроқ «ғамгин» деган маънони билдирарди. Аслида бу сўз ақлдан озган деган маънога тўғри келарди. Японни Ито деб атадим. Унинг номи тахминан шунга ўхшашроқ эшитиларди. Қачонлардир Ито Колорадо ёки Байомингда ишлаган. Кунларнинг бирида у қор бўрон тўхташини кутиб, қандайдир кулбада ким биландир икки кунми ёки уч кун пулга карта ўйнаган. Ито пулини сўнгги долларигача ютқазган, аламидан рақибини — дўстини бўғизлаб, қор тагига кўмган. Шундан кейин Ито у ерларни ташлаб Калифорнияга келиб қолган.

Ито ўз тақдирини инглиз, япон, испан тилларида аралаш-қуралаш қилиб гапириб берди. Буни бизга айтиб беришидан мақсад «бакаяро» эканлигига бизни ишонтириш эди.

Қиш кунлари ишчилар эрта тонгдан то кечгача узумзорларнинг орасига ишлов беришарди. Иш орасида ўзаро гаплашиб олишга ҳам вақт топишарди. Тапиа, Хосе, Панчо бундан ўттиз йил илгари содир бўлган жиноят ҳақидаги Ито ҳикоясини эътибор билан тинглашарди. Улар Итоға савол назари билан қаращди. У бошини қимирлатди: янглишиш мумкин эмасди. Ҳа, у одам ўлдирган, ўз дўстини ўлдирган.

— Барибир, — дейишди мексикаликлар, — фақат картада ютиб олгани учун уни ўлдириш мумкин эмас.

Ито бўлса, бошқа сабаб бўлмаган деб уларнинг фикрини рад қилди.

Наҳотки, у ёмон одам эди?

Йўқ, яхши одам эди, ҳақиқий дўст эканлигини у бир неча бор исботлаган. Унда Ито нега уни ўлдирди?

— Бакаяро, — ўз тилида жавоб берди Ито.

Ишчилар унга бир қаращдида, ўйланиб туриб, яна ишга тушиб кетишди. Эртаси кун улар чурқ этмай ишни бошлашди, деярли бир соат давомида ортиқча навдаларни қирқаётган қайчилар овози эшитилиб турди. Ҳамма ўз ўйи билан банд эди. Кун тиккага келгач Тапиа қайчисини бир чеккага қўйди, шунда ҳамма дам олиш вақти бўлди, деб тушунди.

— Сеньор Ито, — деди Тапиа.

Ито тўхтаб бошини кўтарди.

— Ҳа, сеньор Тапиа?

— Сиз ўшанда балким маст бўлгандирсиз?

Сеньор Тапиа ҳаммамиз тушунадиган тилда гапирарди. Ито ҳам шу тилда жавоб берди.

— Тўғри, бизда бир шиша арақ бор эди. Лекин биз уни биринчи кечадаёқ ичиб тугатган эдик. Мен маст эмасдим.

Мексикаликларнинг энг ёши бўлган Панчо:

— Унда, нега шундай қилдингиз, сеньор Ито? — деб сўради.

Ўша кезлари биз фақат Итонинг одам ўлдиришинигина муҳокама қилмаганмиз.

Ито юрагидаги бор дардини бўшатиб олишни истарди, биз эса бошқа ишлар ҳақида ҳам гаплашиб олишимиз керак эди.

Масалан, мексикаликларнинг ўртанчаси Хосе, ишчилар аҳволи, камбағаллик, очарчилик ҳақида кўпроқ фикр юритса ҳам, ўз фарзандлари ҳақида гапиришни яхши кўрарди. Панчо эса ўз туйғуларини яхшироқ англаб етишни истарди. Масалан, уни қизиқтирган нарсалардан бири, тегишга розилик бериши мумкин бўлган бирорта истараси иссиқ қиз билан учрашганда унинг жозибаси ўзини идрок этиш ва гапириш қобилиятидан маҳрум этиб қўйишини билишга интилиш эди. Хосе унга доим тегажоқлик қиларди, лекин Тапиа Панчо билан жиддий гаплашарди.

Мен Фреснога Маринос-стритдаги эски ва нодир китоблар сотувчиси олдига тез-тез бориб турардим. Билимларимни ошириш мақсадида ундан эски китоблардан сотиб олардим. Кунларнинг бирида кучли жала туфайли узумзордан чиқиб ўша китоб дўконига кирдим. Уюм-уюм бўлиб турган китоб-журналларни кавлаштириб, нархи ўн центгина турадиган санъат ҳақидаги журналга кўзим тушиб қолди. Журнал жуда яхши сақланган бўлиб, унда расмлардан олинган анчагина рангли репродукциялар бор эди. Журналда бошқа нарсалар билан бирга Хосе Клементе Ороско ижоди ҳақида мақола, унинг фаолиятига оид бир неча фотосуратлар ҳамда унинг олтита расмидан репродукция берилганди. Мен мақолани ўқиб, расмларни ҳам кўриб чиқдим.

Эртаси кун узумзордаги харобада яшайдиган мексикаликлар ҳузурига бордим. Уларнинг қашшоқ бошпанасига, сеньор Тапиага ва унинг хотинига, болаларига назар ташладим. Панчо ва унинг икки този итини, тўртта мушукчаси бўлган мушугини, тухум қиладиган товуқларини кўздан кечирдим. Уларнинг ҳаммаси симдевор орқасидаги кичкинагина уйчада яшарди. Кўрганларим ақлбовар қилмайдиган даражада ғариб ва ачинарли эди. Лекин Ороско асарларида ана шу ҳолатнинг гўзал томонларини ёрқин кўрсатиб берганди.

Ито Сойнжердан велосипедда келди. У ўша ерда япон оиласи билан бирга кичкинагина хонани ижарага олиб яшарди. Итонинг ёлғизлиги сезилиб турарди, унинг изтироблари менга тушунарли эди. Ҳатто унинг велосипеди ҳам энди ғайриоддий ҳолда кўзга ташланарди.

Соат еттига яқин юк машинада ўнбошимиз келди. Еттида ишга тушишимиз учун у бизни узумзорга етказиб қўйди. Одатда у сигарета чекиб олиш ҳамда қандай ишлаётганимизни кўздан кечириш мақсадида бироз тўхтаб турардида, сўнг кетарди. Биз қоронғи тушмасдан унинг қайтишини ва ишлаган вақтимиз ҳамда бажарган ишларимизни ҳисоб-китоб қилишини билар эдик. Шунда у қайчини олардида, шошмасдан бир неча новдаларни қирқарди, лекин буни, қандай ишлаш кераклигини бизга кўрсатиш учун қилмасди. Унга қайчини қўлда ушлаб туриш ёқарди. Баъзан бизга ишни йигирма-йигирма беш минут илгари тугатишга рухсат берарди, аммо иш вақти соатини тўла қилиб ёзарди. Кундузи бизга тушлик овқат учун танаффус бериларди. Мексикаликлар овқатлангани уйларига кетишарди, биз Ито билан ерга жой солиб сандвичларимизни шу ернинг ўзида паққос туширардик.

Ўнбоши армани эди. Ёшлигида профессионал курашчи бўлган, лекин унинг ғолиблик йиллари аллақачон тугаганди. Қачонлардир у Станислав Збишкодек курашчининг елкасини ерга теккизган ҳамда Стринглер Льюс ва Жимми Лондос билан ҳам давраларда теппа-тенг беллашганди.

Ўнбошининг исми Назарет эди. У қирғий бурун бўлиб, қулоқлари эса рангли карамни эслатарди. Бошқалар олдида, уларни хафа қилмаслик учун, мен билан арманча гаплашмасди. Шундай пайтларда у биз билан ҳаммамиз тушунадиган тилда гаплашарди.

Назарет ўша куни эрталаб мендан нонуштам билан бирга олиб келган санъат тўғрисидаги журнални кўриб қолиб сўради:

— Анавунинг нима, болакай?

— Журнал.

— Қанақа журнал?

— Санъат ҳақида.

— Расмлари борми?

— Бор.

У мендан журнални бериб туришни илтимос қилди, журналда Жорж Беллоуснинг классик курашни тасвирловчи расмининг репродукциясини кўриб қолиб ўзида йўқ хурсанд бўлди.

У кесилган новда айрисида турган нонушта ўралган тугунчага журнални авайлаб қўйди-да, биздан узоқлашди.

Бироз вақт ишчиларнинг қайчилари шиқиллаб турди, уларнинг ҳар бири ўз ўйи билан банд эди, биринчи бўлиб ким гап бошлар экан, деб кутарди.

Буни сездимда, улардан сўрадим:

— Хосе Клементе Ороско ким экан ўзи?

Уларнинг бирортаси ҳам у ҳақда эшитмаган бўлса керак, деб ўйладим, чунки назаримда ишчилар ва санъат бошқа-бошқа дунё эди. Бир неча дақиқадан сўнг сеньор Тапиа деди:

— Сеньор Ороско мексикалик машҳур рассом.

— У чизган расмларни кўрганмисиз?

— Ҳа, — жавоб берди сеньор Тапиа, — мексикаликлар уйларининг деворларида кўрганман.

— Сен у чизган расмларини биласанми?

— Нима десам экан, — деди, — мана, бу журнални кеча Фреснода сотиб олдим, унда сеньор Ороско чизган расмлардан репродукциялар бор.

— Улар сенга ёқадими?

— Ҳа, менимча, жуда ажойиб расмлар.

— Балким, улар ёмон, ёқимсиз бўлиб кўринар?

— Йўқ, сеньор.

— Ахир расмларда қашшоқлик, ғам-ғусса, очарчилик, дарду аламдан бошқа ҳеч нарса йўқ-ку, шунга қарамай, улар сенга чиройлик кўриндими?

— Ҳа, сеньор. Сизга-чи?

Сеньор Тапиа дарров жавоб бермади. У мўйловини буради. Хосе, Панчо ва Ито эса, гарчанд улар Ороско ҳақида биринчи бор эшитаётган бўлсалар ҳам, Тапиа нима дейишини кутишарди.

— Ҳа, бу расмлар менга ёқади, сеньор Вилли, — деди ниҳоят Тапиа. — Фақат мен ҳайронман. Қандай қилиб сиз унинг санъатига бир кўришдаёқ ихлос қўйдингиз, ахир бундай санъатни яхши кўришдан ёмон кўриш хийла осон-ку.

Биз яна ишга тушиб кетдик. Бир қанча вақт сукут сақланиб турди. Сукутни биринчи бўлиб Ито бузди.

— Бакаяро, — деди у. Биз билардик, бу билан у ўз жиноятини эсларди.

— Балким, — жавоб берди Хосе, — балким, шундай қилишига бошқа нарса сабаб бўлгандир?

— Йўқ, — деди Ито. — У мени алдаган эди. Бор гап шу.

— Бироқ, сеньор Ито, — деди Хосе, — кўп йиллар ўтган бўлса ҳам, яхшироқ ўйлаб кўрилса, бошқа муҳимроқ сабаб бўлгани эсингизга тушар, балким.

— Бу тўғрида мен ўттиз йилдан бери ўйлайман, — деди Ито. — Бошқа сабаб бўлмаган.

Шу ерда гапга ёш мексикалик қўшилди:

— Ахир, у ердан, қор остида қолган уйдан кетиб, Калифорнияга бориб қолганингда, сен жуда ёш эдинг-ку?

— Ҳа, — бошини қимирлатди Ито. — Йигирма уч ёшда эдим.

— Бундан чиқадики, сенга хотин, болаларингга она бўлишга арзийдиган япон қизини учратмаган экансанда?

— Йўқ, сеньор Панчо, — деди Ито.

— Нега энди?

— Одам ўлдирган инсон ота бўлишга ҳаққи йўқ!

Яна ҳамма ишга тушиб кетди, ҳар бири узум олдида, ўз хаёллари билан банд эди.

Чамаси бир соат ўтгандан кейин сўрадим:

— Сеньор Тапиа, агар сиз бадавлат одам бўлиб, фарзандларингиз кўп бўлганда, нима қилар эдингиз?

— Бу жуда қийин савол.

— Ким бўлишини истардингиз?

— Пулим кўп бўлгандами?

— Кўп, айтайлик, миллион. Ёки икки миллион.. Ким бўлишни истардингиз?

— Эҳ, — деди сеньор Тапиа, — ким бўлардимми? Жуда ёмон одам бўлардим, деб қўрқаман. Пулнинг буюк сири ҳам ана шунда. Бу қўрқинчли муаммо. Лекин бир кун эмас бир кун менда пул бўлиб қолишига ишонмайман. Мен ҳеч қачон бой бўлишни истамаганман.

— Сизчи, сеньор Хосе?

— Пулга интилишдан нима фойда? — жавоб берди Хосе. — Мен ҳеч қачон бой бўлмайман. Мен пулни тушунмайман.

— Сизчи, сеньор Панчо?

Ёш мексикалик кулимсираб қўйди:

— Эҳ, мен эса бой бўлишни жуда ҳам хоҳлайман, лекин биламан, бу бефойда гап.

— Нега энди бефойда бўларкан?

— Пуллар — бойлар учун, камбағаллар учун эмас.

— Ундай бўлса, камбағаллар учун нима?

— Хотин, — жавоб берди у, — хотини, ўғли, қизи. Қани энди, менинг хотиним, қизим ва ўғлим бўлса, дунёда мендан бой одам бўлмасди.

— Хўш, сеньор Ито, сиз нима дейсиз?

— Мен ўз ҳақимни олиб бўлганман. Мана шу пул деб одам ўлдирганман!

Биз яна қайчиларни қўлга олдик. Тушлик пайтида мексикаликлар синчковлик билан журналимдаги Ороско чизган расмлар репродукцияларини томоша қилишди.

Уларни Ито ҳам томоша қилди. Расмларда нима маъно бор эканлигини тушунишни истарди у. Расмларнинг бирида зўрлик ва жиноятга боғлиқ бўлган инсон ғазаби тасвирланган эди. Ито, айниқса, шу тасвирни кўпроқ томоша қилди. Мексикаликлар уйларига кетгандан сўнг, биз Ито билан сандвичларимизни еб бўлгач, у яна бир бор журнални қўлига олдида, ўша расмга тикилиб қолди.

Бўйи унча баланд бўлмаган одам пешайвон тагида турарди. У хотинига ва қўрқув қамраб олган болаларига қаҳр-ғазабини сочарди. Лекин оиласи айбсиз эканлиги аниқ эди, буни унинг ўзи ҳам биларди. Расмга қараган ҳар бир одам у, айни пайтда, қаҳр-ғазабини атрофдагиларнинг барчасига сочаётганини ҳам сезарди.

Ито бармоғи билан одам тасвирини салгина чертиб қўйди.

— У Ито, бакаяро, — деди у.

Тез орада дам олиш вақти тугаб, мексикаликлар токзор томонга қайтишди, ҳамма яна ишга тушиб кетди.

Бир ойдан сўнг узумзордаги ишлар тугади. Ўшанда ишчилар иш орасида кўп нарсалар ҳақида ўзаро гаплашиб олишди. Ўша суҳбатларнинг баъзилари эндиликда умрбод эсдан чиқмайди.

**Анвар ЁҚУБХЎЖАЕВ таржимаси**

*Мангу лаҳза*

# ЙЎҚ...ЎЛИМ ЙЎҚДИР!



1930 йили Ботунинг қамалиши Чўлпон ва Фитратни ташвишлантириб қўйди. Гарчанд улар Файзулла Хўжаевнинг сояи давлатида яшаётган бўлсалар ҳам Шўро ҳокимиятининг чангали бу икки истиқлолсевар шоирни юлиб олиб, ботулар ётган зиндонга ташлаши ҳеч гап эмас эди. Шунинг учун ҳам Фитрат, Чўлпоннинг илтимосига кўра, ўша кезлари Файзулла Хўжаев билан учрашади. Атоқли давлат арбоби замоннинг нозиклигини, матбуотнинг эса 27-йилдан буён Чўлпонга қарши тиш қайраб келаётганлигини кўриб тургани учун Чўлпоннинг вақтинча Москвага кетиб, маҳаллий муртадлар эътиборидан четда яшашини маслаҳат беради. Шундай қилиб, Чўлпон 1930 йилнинг сўнгги ойларида қатағоннинг биринчи тўлқинига чап бериб, Москвага бош олиб кетади.

Шоир олис сафарга боришдан аввал қариндош-уруғлари, ёр-дўстлари билан хайрлашиш учун Андижонга йўл олди, улар ёрдамида рус қишида асқотадиган кийим-кечакларини бутлади. Москвада яшаган дастлабки йилларида эса бўйдоқлик ҳаётига нуқта қўйиб, таржимонлик фаолияти орқасида топган ойлиги ҳисобига рўзгор юритди.

Екатерина Ивановна оддий рус аёли эди. У Чўлпоннинг фақат олижаноб инсонгина эмас, балки нодир истеъдод соҳиби эканлигини ҳам кўриб, унинг руҳий ва адабий оламининг бойишига хизмат этувчи тадбирларга мойиллик билдирди. Улар камтарона турмуш кечирганларига қарамай, меҳмон кутдилар ва меҳмонга бордилар, театрга боришни эса канда қилмадилар. Бундай зиёбахш тадбирлар учун эса Андижон ва Тошкентдан олиб келинган эски либосларни янгилаш лозим бўлди. Хуллас, Чўлпон хотинининг қистови билан янги костюм харид қилиб, бинойидек куёвтўра бўлиб олди.

1933 — 1934-йилларга келиб, Чўлпон фақат собиқ санъаткор биродарларининг эмас, балки москвалик ёзувчиларнинг ҳам эътиборларини қозонди. «Катта шўро қомуси»га у ҳақда мақола берилди, «Кеча ва кундуз» романи устида муваффақият билан иш олиб борди, Ҳамза театрининг илтимосига кўра «Ҳамлет»ни ўзбек тилига қойилмақом қилиб ўгирди... Ижоди тобора гуллаб бораётган шоир тантанали бир вазиятда суратга тушишга ўзини ҳақли деб билди.

Сиз кўриб турган сурат 1934 йили Москвада, Чўлпон ҳаётининг нурли кунларидан бирида олинган. У катта бичимдаги сурат бўлишига қарамай, бирон кун бўлса ҳам деворда осиғлиқ турмаган. 1937 йилдан кейин эса у Фоиқа аянинг сандиғида, Чўлпон қуёшининг шўро булутлари орасидан чиқишини кутиб ётган.

60-йилларнинг аввалида Абдулла Қодирий номи тилга олина бошлагач, Фоиқа ая ҳам яхши умидлар билан сандиқни очди. Лекин Чўлпон фақат «фуқаро сифатида оқланган»и учун бу суратни кўз-кўз этишнинг иложи бўлмади. Шунинг учун ҳам ая унинг акасига «алоқасиз» жойларини қирқиб ташладида, ихчамгина ҳолга келтириб, гоҳ чўнтагида, гоҳ қўйлаги ичида олиб юрди.

Чўлпоннинг ўзи ҳам, назаримда, шу суратини хуш кўрган. Агар дориламон замонлар келиб, ўзи сингари қувғинди ёзувчилар эл-юрт ардоғида бўлсалар, шу суратининг мактаб ва олий ўқув юртларида осиғлиқ туришини орзу қилган бўлса ҳам ажаб эмас.

Афсуски, шундай замонлар келганида қайсидир ношуд пардозчининг «холис хизмати» билан бу суратдаги тирик Чўлпонга хос фазилатлар ўлдириб юборилди.

Ўша машҳур суратдан Ойбекнинг севимли фарзанди Бекжон Тошмуҳамедов кўчиртириб олган ушбу нусхада эса нур билан йўғрилган ҳаёт ҳам, қанот ҳам бор. Мен бу боқий суратга тикилар эканман, баҳорни соғинган шоирнинг тирик товушини эшитгандек бўламан. У эса дейди:

***Йўқ...Ўлим йўқдир!***
***Ёлғиз бир ўчиб... бир сўниш бордир!***
***Бир ўчиб, сўниб...яна ёниш бор.***
***Яна баҳорлар, яна лолалар,***
***Яна сиз, эй, эркин далалар!..***

Назаримда, тирик Чўлпон бу сатрларни, Ҳамид Олимжон иборасидан фойдаланиб айтсак, бугунги кунда мустақиллик ишқи билан ёнаётган далаларга қараб айтаётгандек.

**Н. КАРИМОВ**

